



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 225 (12.286)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ХУСУСИЙЛАШТИРИШ, МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ ВА РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСINI ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Мустақиллик йилларида давлат мулкни хусусийлаштириш, уни асосан хусусий мулкка сотиш бўйича кенг миқёсда ишлар амалга оширилиши натижасида 31 мингдан зиёд давлат корхоналари ва объектлари мулкчилик шаклини ўзгартирди.

Хозирги вақтда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг 82,5 фоиздан кўпроги, саноат маҳсулотининг ва пудрат ишлари ҳажмларининг 90 фоиздан ортиги, қишлоқ хўжалиги ва савдо соҳасининг деярли барча маҳсулоти иқтисодиётнинг нодавлат сектори улушига тўғри келмоқда.

Хусусийлаштириш жараёнларининг чуқурлашуви, иқтисодиётда давлат иштирокининг камайирилиши ҳамда хусусий мулкчиликнинг роли ва аҳамияти оширилиши истикболдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг гоят муҳим устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Шу билан бирга, табиий монополияларнинг устулги ҳамда монополияга қарши самарали тартиботларни амалга ошириш, ҳақиқий рақобат муҳитини шакллантириш, корхоналарнинг ва улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг, умуман мамлакат иқтисодиётининг рақобатдошлигини оширишни рағбатлантириш борасидаги ташкилий ва амалий чора-тадбирларни шакллантириш билан боғлиқ кўпгина масалалар ҳамон ҳал этилмай қолмоқда.

Шу жиҳатдан олганда Ўзбекистон Республикасининг яқинда қабул қилинган «Рақобат тўғрисида»ги қонунида назарда тутилган меъёр ва талабларни амалга ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрилиши катта аҳамият касб этади. Бунда товар ва молия бозорларида рақобатни чеклашга ҳамда устуллик мавқеини суиистеъмол қилишга олиб келадиган хатти-ҳаракатларга йўл қўймасликка, шунингдек, ноҳалол рақобатни, товарлар (ишлар, хизматлар)нинг нархларини сунъий равишда ошириш ёки тушириб юборишни тақиқлашга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Бу ишларни фаоллаштириш учун қилинаётган саяё-ҳаракатларни жамлаш, хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бўйича ишларнинг бажарилишини таъминлайдиган давлат институтларини янада мустақамлаш муҳим аҳамият касб этади.

Бозор иқтисодиётининг асоси бўлмиш давлат мулкни хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хусусий мулкчилик қўламини кенгайтириш, монополияга қарши самарали тартиботларни амалга ошириш ҳамда реал рақобатчилик муҳитини шакллантириш, фонд бозори, хусусан иқтисодиётнинг фонд бозорини жадал ривожлантириш, корпоратив бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида:

1. Тугатилмаётган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат

қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси негизда Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав жамғармаларидаги давлатга тегишли активларни ҳамда акциялар пакетлари (улушлари)ни хусусий мулкка сотиш, давлат мулкнинг хусусий мулк эгаларига сотилишида очиклик ва ошкораликни таъминловчи давлат тасарруфидан чиқаришнинг янги шакл ва усулларини жорий этиш, инвесторлар томонидан қабул қилинган инвестиция мажбуриятлари бажарилиши устидан мониторинг олиб бориш бўйича тизимли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

энг аввало, акциядорлик жамиятларининг капиталлашуви ва рентабеллиги ўсишини рағбатлантириш ҳисобига фонд бозори, айниқса иқтисодиётнинг фонд бозорини ривожлантириш, тадбиркорлар ва аҳолининг хабардорлигини кенгайтириш, уларнинг биржа операцияларида фаол қатнашувини таъминлаш, бозор инфратузилмасини янада такомиллаштириш, савдо-банк электрон шаклда ўтказишга тўлиқ ўтиш чора-тадбирларини тизимли асосда амалга ошириш;

акциядорлик жамиятларини бошқаришда акциядорларнинг ва кузатувчи кенгаширларнинг ролини тубдан оширишга, миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлашга, корхоналарнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари учун ижро этувчи органларнинг акциядорлар олдидagi масъулиятини кучайтиришга йўналтирилган корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш; монополияга қарши самарали тартиботлар ўрнатиш ҳамда товар ва молия бозорларида рақобат чекланишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини амалга ошириш, монополистик фаолиятни чеклаш ва табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиб бориш;

рақобат муҳитини ривожлантириш учун қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш ва зарур шарт-шароитларни шакллантириш, товарлар (ишлар, хизматлар) бозорларида, биринчи навбатда ички истеъмол бозорини ва реклама соҳасида ноҳалол рақобатчиликка чек қўйиш чора-тадбирларини амалга ошириш, жамоат тузилмалари билан яқиндан мувофиқлаштирилган ҳолда истеъмолчиларнинг қону-

ний манфаатлари ва ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолатини чуқур таҳлил қилиш, уларни биринчи навбатда янги инвесторларни жалб этиш, модернизациялаш ва технологик қайта жиҳозлаш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш ва ишлаб чиқариш харажатларини камайитириш, янги рақобатбардош маҳсулотни ўзлаштириш ҳисобига молиявий соғломлаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

иқтисодий ночор корхоналарни таркибий қайта қуриш ва банкрот қилиш борасидаги функцияларни бажариш, судга ва суд санақсиясини ўтказиш, банкрот корхоналарнинг ташқи бошқаруви бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.

3. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вояси ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари вазириликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи органлар, хўжалик субъектлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар ижроси учун мажбурий ҳисобланади.

4. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий органлари этиб белгилансин: Қорақалпоғистон Республикасида – Қорақалпоғистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси негизда ташкил этилаётган Қорақалпоғистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси; вилоятларда ва Тошкент шаҳрида – Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитасининг ҳудудий бошқармалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармалари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2012 йил 13 ноябрь

### ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



**Оилавий тадбиркорлар сафининг ортинги аҳоли фаровонлигини таъминлашда, бандлик муаммоси ечимини топишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, оилалар мустақамлиги, тинч-тотувлиги ҳамда фарзандлар камалини таъминлашда катта роль ўйнамоқда.**

### Тадбиркорлик ЯНГИ ТУРДАГИ МАҲСУЛОТЛАР ЧИҚАРИЛАДИ

Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилган «Ташаббус-2012» кўрик-танловининг Юнусобод туман босқичида «Энг яхши оилавий бизнес» йўналиши бўйича гўлиб бўлган «MULTIFOODS» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Отабек Юсуповлар оиласи ана шундай кичик бизнес ривожига муносиб ҳисса қўшаётганлар сирасига кирди. — Нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхонамиз фаолиятини ўтган йили шахсий маблағ эвазига бошлаганимиз, — дейди «MULTIFOODS» масъулияти чек-

### АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ КЕНГАЙМОҚДА

Тошкентда UZINFOCOM маркази томонидан «Компьютерлаштириш марказларининг бутунги ҳолати, ҳудудларда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш муаммолари» мавзунда ўқув-семинари ўтказилди.

Тадбирда тегишли вазириликлар вакиллари, вилоят ҳокимликлари ҳузуридаги компьютерлаштириш марказлари директорлари иштирок этди. Семинарни ўтказишдан мақсад давлат органлари вакиллари давлат бошқарувида замонавий ахборот технологияларини ривожлантиришнинг янги йўналишлари ва тенденциялари билан таништириш, таъриб алмашиш ва давлат органлари ахборот ресурсларини ривожлантириш бўйича мутахассислар тавсияларини ишлаб чиқиш, шунингдек, вилоят ҳокимликлари ҳузуридаги компьютерлаштириш марказларининг замонавий ахборот технологияларини амалиётга янада кенг жорий этишдаги ролини кучайтиришдан иборат. (Давоми 3-бетда)

### XXI сағоси

Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилоят мусикали драма театрида Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг йигирма ва корея миллий вакилларининг Ўзбекистонда истиқомат қилаётганининг 75 йиллигига бағишлаган маданий тадбир ўтказилди. Жиззах вилояти ҳокимлиги, Корея Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси, Республика Байналмилал маданият маркази томонидан ташкил этилган тадбир халқлар дўстлигини улуғловчи байрамга айлиниб кетди.
- Андижон шаҳрида «Гепатология ва ОИВ инфекциясининг долзарб муаммолари» мавзунда республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирилик, Республика ОИТСга қарши кураш маркази, Андижон давлат тиббиёт институти ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, илм-фан ютуқларини амалиётга татбиқ этиш борасида қилинаётган ишлар хусусида атроф-лича сўз юритилди.
- Марғилон шаҳридаги «Полиграф-пресс» масъулияти чекланган жамиятида янги матбаа линияси ишга туширилди. Мазкур босмахонага Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкнинг 300 минг АҚШ доллари миқдоридagi лизинг асосида Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган «Ориент супер» 4Н1 Tower русумли янги матбаа линияси ўрнатилди. Ушбу линия орқали А-2 ҳажмдаги газетасоати 30 минг нусхада босилади.
- «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Халқ таълими вазирилик томонидан ўтказилаётган «Янги авлод – 2012» бола-лар ижодиёти фестивалининг Андижон вилояти босқичи якунланди.

### ЖАҲОНДА

- Бельгиянинг Брюссель шаҳрида Европа Иттифоқи молиявий идоралари раҳбарлари ЕИ таркибида банк уюшмасини ташкил этиш масалаларини кўриб чиқдилар. Анжуманда шунингдек, яқинда Еврохудудга кирувчи 17 та мамлакат вазирилари учрашувида бошланган Грециянинг қарз таназзули масаласи ҳам муҳокама этилди.
- Италиянинг Тоскана шаҳрида тинимсиз ёққан ёмғирлар натижасида кучли сув тошқинлари рўй берди. Табиий офат 4 кишининг умрига зомин бўлди.
- Хитойда Осие китъасида дастлабки минорали йўналишдаги, қуввати бир ярим мегаваттлик қуёш иссиқлик электр станцияси бунёд этилди.
- Shell компанияси Индонезияда ёнилғи-мойлаш материалларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган завод қуришини маълум қилди. Қурилиш ишлари тендер савдолари якунланганидан сўнг яқин ойлар ичида бошланади.
- Мексикадаги Акапулько курорт шаҳри маъмурияти шаҳарнинг банк-рот бўлганлигини тан олдилар ва жорий йилнинг охирига бориб Акапульконинг муниципал қарзи 106 миллион доллардан ошириб кетишини билдирдилар.
- Франция фуқароси Euro Millions Умуевропа лотереясида 169,8 миллион евролик ютуққа эришгани ҳолда ўз мамлакатини учун улкан ютуқни қўлга киритиш борасида янги рекорд ўрнатди.

**Шаҳар сайлов  
комиссиясида**

**ДЕПУТАТЛИККА  
НОМЗОДЛАР  
РЎЙХАТГА ОЛИНДИ**

**Халқ депутатлари  
Тошкент шаҳар Кенгашига  
сайлов ўтказувчи шаҳар  
сайлов комиссиясининг  
навбатдаги йиғилиши  
бўлиб ўтди.**

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 44-моддасига мувофиқ, **17-Мингўрик (Миробод), 33-Тараққиёт ва 37-Курувчилар (Ҳамза), 52-Уста Ширин (Юнусобод)** ҳамда **60-Ракат (Яккасарой тумани)** сайлов округлари бўйича бўшаб қолган ўринларга 2012 йил 25 ноябрь куни ўтказиладиган сайловга тайёргарлик бошланди. Ушбу ишларни тегишли округлар бўйича ташкил этилган сайлов комиссиялари амалга оширмоқда.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси йиғилишида чора-тадбирлар календарь режасига асосан бешта сайлов округи бўйича ташкил этилган участка сайлов комиссияларининг таркиби тасдиқланди. Эслатиб ўтиш жоизки, сайлов кампаниясининг асосий жараёни – бевосита сайловлар участка сайлов комиссиялари томонидан ташкил этилиб ўтказилди. Уларнинг иш фаолияти эса округ сайлов комиссиялари томонидан мувофиқлаштириб борилади. Йиғилишда участка сайлов комиссияларини барча зарур техника воситалари билан жиҳозлаш, ташкилий-услубий материаллар билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда, шунингдек, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Илгари хабар қилинганидек, шаҳар сайлов комиссиясига бўшаб қолган ўринларга ўтказиладиган сайловларда иштирок этиш тўғрисидаги аризалари билан Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси мурожаат қилди.

Сайлов қонунчилиги талабларидан келиб чиққан ҳолда тўртта сиёсий партиянинг Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан шаҳар сайлов комиссиясига бўшаб қолган ўринларга депутатликка номзодларни рўйхатга олиш юзасидан аризалар тақдим этилди. Шаҳар сайлов комиссияси барча аризаларни ва уларга илова қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиб, ҳар бир сиёсий партия томонидан кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди (**номзодлар рўйхати чоп этилмақда**).

Сайловчилар ўтказиладиган сайлов жараёнига оид маълумотларни **17-Мингўрик, 33-Тараққиёт ва 37-Курувчилар, 52-Уста Ширин** ҳамда **60-Ракат** сайлов округлари ва улар таркибидаги участка сайлов комиссияларидан олиши мумкин. Бу борада Амир Темур شوҳқўчаси, 14-уй манзили бўйича жойлашган халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясига ҳам мурожаат этишлари мумкин.

**Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси  
ҚАРОРИ**

**ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР  
КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАРНИ  
РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан бўшаб қолган ўринларга халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатлари ва депутатликка номзодларнинг тегишли округлардан номзодларининг овозга қўйилишига рози эканликлари тўғрисидаги аризаларини кўриб чиқиб, шаҳар сайлов комиссияси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11, 22-2 ва 44-моддаларига мувофиқ куйидаги депутатликка кўрсатилган номзодлар рўйхатга олинсин:

Округ номи	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили, партиявийлиги, эгаллаб турган лавозими, турар жойи	Депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия
17-Мингўрик	Абдурахманов Эркин Мухтарович	1965 йил, Ўз.МТДП, «Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказининг бош директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Атаков Ҳамза Султанбаевич	1967 йил, Ўз.ХДП, «Иметек Инвест» масъулияти чекланган жамиятининг ишлаб чиқариш бўйича директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Буранов Фуркатбек Фарходжонович	1984 йил, «Адолат» СДП, «Ўзтемирўйлмаштаъмир» унитар корхонаси муҳандиси, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Салиходжаев Ильяс Илхамович	1960 йил, Ўз.ЛиДеп, «Ўзагрорсанотлоийҳа» масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеп Тошкент шаҳар Кенгаши
33-Тараққиёт	Инагамов Жовдатхон Султанович	1969 йил, «Адолат» СДП, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви раиси, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Мурсакулов Анваржон Алиевич	1979 йил, Ўз.МТДП, Ҳамза туманидаги Футбол бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Назарова Шохидат Исламжановна	1970 йил, ЎзЛиДеп, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Ҳамза туман Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеп Тошкент шаҳар Кенгаши
37-Курувчилар	Саломов Барат Мухаммадиевич	1967 йил, Ўз.ХДП, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Ҳамза тумани бўлини раиси, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Жиянбаев Отабек Эшдавлатович	1974 йил, Ўз.МТДП, «Магнум медикал сервис» тиббиёт клиникаси бош директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Кубаева Гулжаҳон Махмуджановна	1984 йил, ЎзЛиДеп, «Евент Стил» масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеп Тошкент шаҳар Кенгаши
	Султанмуратова Дилорам Абдубакиевна	1971 йил, «Адолат» СДП, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Ҳамза тумани Кенгаши раиси, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
52-Уста Ширин	Ҳашимов Акрам Абдиевич	1967 йил, Ўз.ХДП, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институти профессори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Аюпов Дониёр Эркинович	1972 йил, Ўз.МТДП, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлини раиси, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Ахмедов Илхам Аскарлович	1966 йил, ЎзЛиДеп, «Стем қурилиш» масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеп Тошкент шаҳар Кенгаши
	Пратова Саида Мадазовна	1970 йил, «Адолат» СДП, Тошкент шаҳар Ўсмирлар диспансери бўлим бошлиғи, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Усманова Хулқар Абдурақовна	1961 йил, Ўз.ХДП, Тошкент ахборот технологиялари университети катта ўқитувчиси, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
60-Ракат	Кадиров Шарофиддин Тахирович	1970 йил, Ўз.ХДП, «Ўзтемирўйлўловчи» акциядорлик жамияти директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Мирзахматова Севара Фахриддиновна	1986 йил, ЎзЛиДеп, «Фахриддин Табаррук» масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеп Тошкент шаҳар Кенгаши
	Талипова Наргиза Нигматовна	1975 йил, «Адолат» СДП, Ўзбекистон Амалий санъат музейи директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Ташматов Шерзод Рихсибаевич	1979 йил, Ўз.МТДП, Ўзбекистон ҳаваскор ва профессионал муайтай ассоциацияси раиси, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши

2. Ушбу қарор «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида эълон қилинсин.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси раиси  
**О. ИНОҒОМОВ**

**АДВОКАТУРА  
ИНСТИТУТИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
ЙЎЛИДА**

**Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар довомида адвокатуранинг ўрни мунтазам мустаҳкамланмоқда. Бу Президентининг Ислам Каримов раҳнамолигида «Ислоҳотлар – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун» тамойилига асосланган сиёсат амалга оширилаётганининг ёрқин далилидир.**

Мамлакатимизда адвокатура институтини тақомиллаштиришга доир ислоҳотларга бағишланган «Хуқуқий давлатда адвокатуранинг ўрни» мавзuida Тошкентда бўлиб ўтган давра суҳбатиди шулар ҳақида сўз юритилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан ташкил қилинган мазкур тадбирда депутатлар, судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, олий ўқув юртли вакиллари, экспертлар, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази тингловчилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси А.Раҳимов ва бошқалар мамлакатимиз БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича 60 дан ортиқ асосий ҳужжатларига қўшилгани, ушбу ташкилотнинг бу борадаги олти асосий халқаро шартномасининг тенг ҳуқуқли иштирокчисига айланганини таъкидлади. Суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш мақсадида ислоҳотлар изчил амалга оширилаётгани мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари рия этилаётганининг қафолатидир. Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида»ги ва «Адвокатлик фаолиятининг қафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонунларининг қабул қилиниши адвокатура институти ҳамда адвокатлик фаолиятининг мустаҳкам қонунчилик базасини яратишда муҳим аҳамият касб этди.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 1 майда имзоланган «Ўзбекистон Республикасида Адвокатура институти янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2008 йил 31 декабрда қабул қилинган «Адвокатура институти тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуннинг бу борадаги ўрни ҳамда аҳамияти алоҳида таъкидланди. Мазкур ҳужжатлар суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш, фуқароларнинг суд жараёнининг ҳар қандай босқичида профессионал ҳуқуқий ёрдам олиш ҳуқуқини белгилайдиган конституцион нормани амалга ошириш, адвокатура институтининг мустақиллигини таъминлаш ва унинг нуфузини оширишга хизмат қилмоқда.

Тадбирда мамлакатимизда адвокатлик фаолиятининг бугунги аҳолига тааллуқли, чунончи, жиноят процессида айблов ва ҳимоя тарафларининг процессуал ҳуқуқлари тенглигини таъминлаш, ҳуқуқшунослик соҳасида маҳсус билимга эга бўлмаган шахсларнинг суд ишида иштирок этишига йўл қўйилмасликка қаратилган томонлар вакиллиги институтини тақомиллаштириш, шунингдек, адвокатларнинг касб этикаси қоидаларига рия этишини назорат қилиш механизмини тақомиллаштириш масалалари юзасидан мутахассисларнинг фикрлари тингланди.

**С.ТОЖИЕВ,  
ЎзА муҳбири**

**«АСАКАБАНК» —  
БАРҚАРОР ВА  
ИШОНЧЛИ**

**«Асакабанк» Давлат акциядорлик тижорат банки фаолиятига 15 йил тўлди. Банк Республика «Ахборот-рейтинг» миллий агентлигининг учинчи чорак бўйича ўтказган рейтингда «uzA+» шкаласи меъёрларига кўра барқарор деб топилди.**

Жорий йилнинг учинчи чораги якунига кўра, «Асака» ДАТБ активлари 2011 йилнинг шу даврига нисбатан 24,62 фоизга ортган ва 4 триллион 100 миллиард сўмни ташкил этди. Шунингдек, ҳисобот даврида банкнинг даромад берувчи активлари ҳам 25,1 фоиз ошган.

Республика «Ахборот-рейтинг» агентлиги таҳлилларига кўра банкнинг кредит портфели маблағларининг 58,46 фоизи ишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган. Банкнинг бошқа даромад келтирувчи активлари ҳам 42,59 фоизга ўсган.

Хозирга келиб банкнинг хусусий капитали 23,58 фоизга ошган. Шу жумладан, банкнинг акциядорлик капитали ҳам 11,99 фоизга ўсиб, ҳисобот даври якунида 354 миллиард 700 миллион сўмга етди. Таъкидлаш жоизки, «Асака» ДАТБ 15 йилдан буюн Ўзбекистоннинг молия бозорига самарали фаолият кўрсатиб келатир. Молия вазирлиги, «Ўзавтосаноат» АК, Ўзбекистон Республикаси Тараққиёт ва ривожлантириш жамғармаси банкнинг асосий акциядорлари ҳисобланади.

**Манзура БЕКЧОНОВА,  
«Туркистон-пресс»**

(Давоми. Боши 1-бетда)

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари М.Махмудов Президентимиз Ислон Каримовнинг 2012 йил 21 мартда қабул қилинган «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида барча давлат органлари фаолиятига янги ахборот тизимлари ва технологияларини жорий этиш, улар асосида аҳолига турли давлат хизматларини тақдим этиш зарурлиги қайд этилганини таъкидлади.

Семинарда мамлакатимизда АКТнинг меъёрий-ҳуқуқий базаси, давлат органлари сайтларининг бугунги аҳоли ва уларни ривожлантириш, интерфаол давлат хизматлари курсатиш, давлат ахборот тизимлари ҳамда ресурслари,

## АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ КЕНГАЙМОҚДА

ахборот хавфсизлигини шакллантириш ва ривожлантириш масалалари, шунингдек, ҳудудларда АКТни ривожлантириш ва жорий этиш борасидаги ишлар кўриб чиқилди.

Тадбирда вилоят ҳокимликлари ҳузуридаги компьютерлаштириш марказлари фаолияти, бу борадаги мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш услубларига алоҳида эътибор қаратилди. Иштирокчиларнинг чиқишларида давлат органлари ахборот хавфсизлиги масалаларига катта эътибор қаратилди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳ-

ри ҳокимлиги веб-сайтларининг аҳолини мониторинг қилиш натижалари муҳокама этилди. Мазкур веб-сайтларнинг мазмунини яхшилаш ва уларга янгиликларни ўз вақтида жойлаштириб бориш, шунингдек, он-лайн режимида хизмат кўрсатиш бўйича мутахассислар томонидан таклифлар билдирилди.

Фикр алмашиш давомида давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимида ахборот технологияларини ривожлантириш борасидаги долзарб масалаларга ҳамда эришилган ютуқлар таҳлил этилди.

**В.НИКОЛАЕВ,**  
ЎЗА муҳбири

**Пойтахтимизнинг Яққасарой туманидаги «Дамарик» маҳалласида ёш оилалар учун 71 хонадонга мўлжалланган иккита саккиз қаватли уй ажратиб берилди. Хонадонлар 15 йил муддатли кредит ҳисобидан берилди. 50 нафардан ортиқ ёш оилалар янги уйларга кўчиб ўтишга тараддуд кўрмоқда.**

## 2012 йил — Мустаҳкам оила йили

### МУСТАҲКАМ ОИЛА — СОҒЛОМ ЖАМИЯТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 27 февралда қабул қилинган «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури тўғрисидаги Қарорида оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш борасидаги муҳим йўналишлар белгилаб берилган.

Ҳар бир ёш оила олдидан эртамеъна ҳаётига эга бўлиш зарурати пайдо бўлади. Шунинг учун бу йил туманда «Ипотека банк»нинг Яққасарой бўлими томонидан ёш оилалар учун иккита қўл қаватли уй ажратилиб, улардаги хонадонлар кредитга берилмоқда. Бундан ташқари, ёш оилалар ва коллеж битирувчилари учун микрокредитлар бериш имконияти ҳам кенгайтирилмоқда. Тўққиз ой давомида ёш оилаларга мебель ва маиший техникаларни сотиб олиш учун 600 миллион сўмдан зиёд хонадонлар ва уйлари таъмирлаш, қурилиш материалларини харид қилиш учун 76 миллион сўмдан ортиқ кредит маблағлари берилди.

Кам таъминланган оилаларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, уларни ишга жойлаштириш имкониятлари кўриб чиқилди. 18 маҳаллада янги иш ўринлари яратилди, уларда саратрошхоналар, тикувчилик ва косибчилик, электр ва маиший асбоб-ускуналарни таъмирлаш устaxonалари очилган бўлиб, улар уч йил давомида солиққа тортилмади.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида 19 хонадон жорий таъмирланди, битта хонадон капитал таъмирдан чиқарилди. Туман уй-жой фонднинг қўркам қиёфасини яратишга катта эътибор қаратилмоқда. 63 та қўл қаватли уйнинг олд томонида таъмирлаш ишлари олиб борилди, 124 кириш йўлакларининг ёрқин ранглари ва текислиги билан хонадон соҳибларини ҳўшнуд этмоқда, томлар ҳам таъмирланди. Болажонлар учун янги болалар майдончалари қурилди ва таъмирланди, кўчаларга мевали ва манзарали дарахтлар экилди ҳамда бутазорлар, гулзорлар барпо қилинди.

Оила саломатлиги доимо унинг ҳар бир аъзоси соғлиғига боғлиқдир, шу муносабат билан соғлом ҳаёт тарзини тарғиб қилиш ва зарарли одатларга қарши курашиш бўйича қизғин ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, тумандаги таълим муассасаларида ва маҳаллаларда «Чеммасдан ҳаёт гаштини сур», «Соғлом оила — соғлом миллат», «Биз ОИТга қаршимиз», «Эрта никоҳларнинг олдини олиш», «Оила мустаҳкамлиги — юрт оёйиштилиги», «Вояга етмаганлар

никоҳи ва унинг салбий оқибатлари», «Мустаҳкам оиланинг ижтимоий-психологик омиллари» мавзуларида даража сўбатлари ва урчулар ўтказилди.

Яққасарой тумани «Қўшбег» маҳалласи фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Д.Қорабоева «Энг яхши маҳалла маслаҳатчиси» танловининг шаҳар босқичида иккинчи ўринни эгаллади.

Ёш оилаларни қўллаб-қувватлашда катта масъулият айнан маҳалла зиммасига тушади, — дейди ЎЗА муҳбирига Д.Қорабоева. — Бу ерда яшайдиган барча оилалар маҳалла қўмитасининг диққат марказида туради. Одамлар қандай яшаётгани, бизнинг ҳудудимизда истиқомат қилувчи ҳар бир оилادا қандай муҳит ҳукм сураётганидан воқиф бўлиб туриш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳар қуни оилаларда бўлиб, яшаш шароитларини кўздан кечиришимиз, қўшиллар билан сўхбатлашимиз, ногиронлар, фахрийлар ва қарияларнинг ҳолидан хабар оламиз. Айниқса ногиронлар ва қариялар, кам таъминланган ва қўл болали оилаларга катта эътибор қаратамиз, уларга керакли маслаҳатлар берамиз, моддий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатамиз. Маҳалла қошида турли жамоатчилик комиссиялари иш олиб боради, уларга катта ҳаётий таърибга эга бўлган энг обрўли кишилар сайланган.

Оиланинг жисмонан соғлом бўлишига эришиш, унда руҳий яқинликни таъминлаш ва фарзандларимизни соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялашда оиланинг спорт муҳим ўрин тутди. Бунда энг яхши амалий натижа берадиган тарбиявий усул — шахсий намуна кўрсатишдир. Болалар биргаликдаги спорт машғулотларида қатнашар экан, ота-оналарини диққат билан қузатиб туради ва улардаги энг яхши хислатларини ўзига олишга ҳаракат қилади, тиришқоқликни ўрганади, ўз характерини шакллантириш, тоғлаб боради. Мана шундай масканлардан бири — «Қўшбег» болалар спорт мажмуаси бўлиб, бу ерда анъанавий тарзда «Отам, онам ва мен» спортчилар оиласи» мусобақаси ўтказиб турилади.

Мухтасар айтганда, оила институти тобора мустаҳкамланиб, унинг жамиятдаги мавқеи юксалмоқда, юртимиз оилалари баргидея маъна ва жисмонан соғлом, баркамол авлод вояга етмоқда.

**Роман БОНДАРЧУК**

## ЯНГИ ТУРДАГИ МАҲСУЛОТЛАР ЧИҚАРИЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Маҳсулотларимизнинг сифатини қатъий назорат қилиб борамиз. Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ўзгача таъми ва шакли билан ажралиб туради. Пойтахтимизда жойлашган озиқ-овқат дўконлари ва супермаркетлар буюртмасига асосан маҳсулотлар ишлаб чиқариб, етказиб берамиз. Инсон саломатлиги учун маҳсулотларни қўшимча микроэлементлар билан бойитиш борасида қўллаб ишлар амалга оширилмоқда. Шу ўринда биз ҳам витаминларга бойитилган ун маҳсулотлари ҳамда йодланган туздан фойдаланишимизни айтиб ўтиш мумкин. Фаолият бошлаганимизга ҳали кўп бўлмади. Шунга қарамай, ўтган йили 17 миллион сўм соф фойда олишга муваффақ бўлдик. Бу йил қандалат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш ва ишчилар сонини кўпайтиришни режалаштирганмиз.

Корхонада қангли диабетдан азият чекувчиларга мўлжалланган ва вазнга таъсири кам бўлган нонлар пиширилмоқда.

Нон маҳсулотларининг барчаси озиқ-овқат учун мўлжалланган полиэтилендан тайёрланган пакетларга қадоқланади ва бу уларни ташқи муҳитдан химоя қилиб сифатини бузмай, бир неча кун яхши сақлаш имконини беради. Корхонада тайёрланаётган нон ва нон маҳсулотларининг сифати даражаси, улар таркибини дармондорилар билан бойитиш доимий эътиборда.

Корхонада янги маҳсулотлар тайёрлаш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига қўшимча иш ўринлари яратиш эзу мақсад қилинган.

**Зиёда РАСУЛОВА**

**СУРАТДА:** корхона фаолиятдан лавҳа  
**Аъло Абдуллаев олган сурат**

## МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА МАЪРИФИЙ ЖАВОБ

**Ахборот технологиялари ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бораётган бугунги кунда унинг беқиёс афзалликлари билан бирга турли зарарли таъсирлари, маънавий таҳдидлари ҳам кўпайиб бормоқда. Бу жаҳолатга қарши маърифат билан курашишни тақозо этаётир.**

Президентимиз Ислон Каримов «Юксак маънавият — энгилмас куч» китобидея таъкидлаганидек, «Бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш мумкин».

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида бу масалага алоҳида эътибор қаратилган. Бугунги кунда ушбу дастур доирасида жамиятимизнинг маънавий негизларини янада ривожлантириш, азалий миллий қадриятларини асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш, миллий менталитетимизга ёт бўлган турли зарарли таъсирларнинг олдини олиш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, миллий мустақиллик гоёси, мамлакатимиз тарихига бағишланган веб-ресурслар янада кенгайтирилмоқда. Жорий йилнинг ўзида «ZiyoNET» тармоғи 1,7 мингдан ортиқ мақола ва 3,2 мингдан зиёд ахборот билан бойитилди. Қўллаб маданий-маърифий, илмий ва оммабон мақолалар, ўқув материаллари, бадиий китоблар ҳамда дарсликларни жамлаган бу тармоқдан мактаб ўқувчилари, талабалар ва турли касб эгалари кенг фойдаланаётир.

Мазкур тармоқнинг имкониятларини тарғиб қилиш мақсадида бир қатор тадбирлар, илмий-амалий конференциялар ўтказилди. Айниқса, қўшқоқ жойлардаги ёшларнинг бу соҳадаги билимларини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Шундай тадбирлар мобайнида мактаблар, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг 30 минг нафарга яқин ўқувчиси замонавий ахборот технологиялари ва интернет тармоғидан фойдаланиш бўйича ўқитилди.

Ёшлар маънавиятига таҳдидлар компьютер ўйинларида ҳам намоён бўлади. Айрим хорижий компьютер ўйинлари зўравонлик, ваҳшийлик, ахлоқсизликни тарғиб этади. Уйин қондасига кўра, одам ўлдирилганга очко берилади, бузғунчилик қилган мукофотланади. Бу ёш авлод тарбияси, дунёқараш ва маънавиятига салбий таъсир ўтказмай қолмайди.

Бу каби маънавий хуружлар кўпайгани сайин уларга муқобил бўла оладиган фойдаланиш дастурларини яратишни замон тақозо этмоқда. Шу мақсадда Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузурида «Ўзбекистон компьютер ўйинлари академияси» ва Экспертлар кенгаши ташкил этилди. Бундан асосий мақсад болалар ва ўсмирлар учун миллий компьютер ўйинларини яратиш ва мусобақалар ўтказиш, бу соҳа бўйича малакали кадрлар тайёрлаш ишларини янада ривожлантиришдир.

Қўнмага бўлиб ўтган «ICTExpo — 2012» ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталигида юртимиз мутахассислари томонидан яратилган учта компьютер ўйини намойиш этилди. Ўзбек ва рус тилларида ўйналадиган «Звездочет» ўйини улардан бири. «Астрономия нимани ўрганади?», «Мирзо Улуғбек ким бўлган?», «Биринчи космик тезлик» каби саволларни мухассаслаштирган бу ўйин компьютер қаршида ўтирган йигит-қизларнинг вақтини мазмунли ўтказиш билан бирга астрономияга оид билимларини бойитишга, Ватанимиз тарихига қизиқишини ошириш ва миллий ифтихор туйғуларини шакллантиришга хизмат қилади.

(ЎЗА)

Тошкент Тиббиёт академияси ректорати ва касаб вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

**РОБИЯХОН** аянинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

## Фестиваллар

### САҲНАДА — САНЪАТИМИЗ НИҲОЛЛАРИ

**Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Янги авлод — 2012» республика болалар ижодиёти фестивалининг Шайхонтоҳур тумани босқичи бўлиб ўтди. Унда туман мактабларида таҳсил олувчи ўқувчиларнинг 317 нафари иштирок этди.**



Қатнашчилар турли ижод намуналари билан муҳлис-лар қалбидан жой эгаллашди. Хусусан, классика-фортепиано, торли, пуф-лаб, уриб чалинадиган мусика асбоблари, рақс санъати, тасвирий санъат, либослар дизайни, насл — шеър, ғазал, дoston, эр-таклар намуналари ижроси шулар жумласидандир.

— Бугунги тадбир жуда қизиқарли ва мароқли ўтди, — дейди ҳакамлар ҳайъати аъзоси Фарида Ҳайдарова. — Айниқса оммавий рақслар ўқувчилар томонидан маромига етказиб ижро этилди. Яққахон вокалистларимиз ҳам кўшиқларни талаб даражасида қуйлашди.

«Янги авлод» фестивалида қатнашувчиларнинг сони йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Демак, ўсмирларимизнинг маданиятга ва санъатга бўлган қизиқишлари ортмоқда.

**Шоҳсанам БЕРДИБЕКОВА**  
**Козим Ўлмасов олган сурат**

## Олий ўқув юртларида

### ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИГА КЕНГ ЙЎЛ

Бугунги кунда университетда ўзаро ҳамкорлик ва инновацияни ривожлантириш мақсадида 20га яқин ўзаро ҳамкорлик шартномаси имзоланган. Шулардан 10таси соҳа корхона ва ташкилотлари билан, қолганлари эса Ўзбекистон телекоммуникация бозорига фаолият кўрсатаётган чет эл корхоналари билан тузилган.

Университет ва унинг ҳудудий филиалларини компьютерлаштириш, моддий-техника негизини бойитиш мақсадида қўллаб компьютер қурилмалари олинди.

Университет ахборот-ресурс маркази фонди талайгина ўқув адабиётлари билан таъминлан-

**Олий ўқув юртларида мутахассисларни ўқитишда инновацион технологиялар кенг қўлланилмоқда. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва инновацион технологиялари бўлими маълумотларига кўра, Тошкент Ахборот технологиялари университетида ҳамда касб-хунар коллежларида ҳам бу борада қатор ютуқлар қўлга киритилмоқда.**

моқда. Олий ўқув юртида ўндан ортиқ ўқув лабораторияси ташкил қилинди.

Бундан ташқари университетнинг «Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение узатиш маркази»да ва

«Академасоб» корхонасида учта кафедра очилди. Филиаллар ўртасида масофавий таълимни амалга ошириш учун видеотерминал жиҳозлари ва сервер маршрут-изаторлари университет ва унинг фили-

алларига ўрнатилди ҳамда ўқув жараёнига татбиқ қилинди. Эндиликда бу жараёнлар ҳақида талабаларга ахборот технологиялари ва дастурлари орқали машғулотлар олиб борилмоқда. Айни вақтда таърибали профессор-ўқитувчилар томонидан видео конференция алоқа орқали маърузалар ҳам ташкил этилди. Барча касб-хунар коллежларига «Ахборот-коммуникация технологиялари изоҳли лўғати», «Телекоммуникация» йўналишида электрон ўқув мажмуалари топширилди. Шунингдек, «Интернет тузилиши, хавфсизлик масалалари» номли ўқув қўлланмаси билан таъминланди.

Касб-хунар коллежларида ҳомийлик ёрдами билан ўқув тўплами ва «Виртуал электроника» бўйича лаборатория жамламасидан иборат ўқув адабиёти хоналари очилди.

**Аҳмад АББОСОВ**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ** бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидея ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этади!  
Савдога Қибрай тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда: 1. 18.02.2011 й № 11-1131/28588-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Байтўрғон ф/й, ҳудудида жойлашган омборхона иншоотлар. Бошланғич баҳоси 526 734 506 сўм. 2. 18.02.2011 й № 11-1131/28588-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай ш.ф.й, Сичкова кўчасидаги маъмурий бино ва иншоотлар. Бошланғич баҳоси 315 927 000 сўм. Савдога ўртачирчиқ тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда: 3. 13.02.2012 й № 11-1117/21676-сонли ижро варақасига асосан Ўртачирчиқ тумани, Ангор Қ.Ф.Йда жойлашган бино ва иншоот. Бошланғич баҳоси 187 500 000 сўм. 4. 17.01.2012 й № 11-1135/23118-сонли ижро варақасига асосан Ўртачирчиқ тумани, Янги Ҳаёт кўрғонидея жойлашган бино ва иншоот. Бошланғич баҳоси 16 620 000 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 3 декабрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдога қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ Тошкент шаҳар, «Ипотека банк» АТИБ Шайхонтоҳур филиалига қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 5049 3605 0002. МФО: 00425, СТИР: 207125885. Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Телефон: (8-371) 266-80-76. Лицензия: RR-0052

**«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ** бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидея ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этади!  
Савдога Паркент тумани СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 21.09.2012 й. № 2-104/12/6028 - сонли ижро ҳужжатига асосан 1983 й. и/ч., «Ваз-21061» русумли, д/р. 01 W 937 FA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 4 222 505 сўм. Тошкент вилояти, Паркент тумани ИИБда сақланмоқда. 2. 10.09.2012 й. № 01-194/5930 - сонли ижро ҳужжатига асосан 1990 й. и/ч., «Луаз 969М» русумли, д/р. 11 N 3737 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 072 330 сўм. Паркент тумани ИИЙХБга қарашли ХАТП жарима майдончасида сақланмоқда. Савдога Бекобод шаҳар СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 3. 02.11.2012 й. № 11255 - сонли ижро ҳужжатига асосан 2004 й. и/ч., «ГБА-ДАМАС-СПГ» русумли, д/р. 10 L 920 DA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 14 452 000 сўм. 4. 02.11.2012 й. № 11254 - сонли ижро ҳужжатига асосан 1999 й. и/ч., «ГБА-ДАМАС-СПГ» русумли, д/р. 10 M 867 EA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 14 488 000 сўм. 5. 02.11.2012 й. № 11256 - сонли ижро ҳужжатига асосан 2009 й. и/ч., «ГБА-ДАМАС-СПГ» русумли, д/р. 10 V 932 DA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 17 526 000 сўм. «Бекободсавдо»

МЧЖда сақланмоқда. Аукцион савдоси 2012 йил 17 декабрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юроридея автотранспорт воситалари 2012 йил 17 декабрь куни савдога сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситаларини сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 2 январь куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИНИНГ АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 2020 8000 1048 8730 5002. МФО: 00425, ИНН: 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Тел.: 266-80-76.



Аъло Абдуллаев (ЎЗА) олган суратлар

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ва Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармалари, «Форум юниор спорт» маркази ҳамкорлигида ташкил этилган IV Замонавий хореография ва спорт пластикаси халқаро танловни «Ўзэкспомарказ»да уч кун давом этди.

Танловда юртимиз ва хориздан ташриф буюрган 30 дан зиёд миллий ва замонавий рақс жамоалари таркибидаги 700 дан ортиқ иқтидорли ёшлар иштирок этди. Улар анъанавий спорт бал рақслари, миллий, эркин услубдаги рақслар, спорт акробатикаси, бадий гимнастика бўйича ўз маҳоратларини намойиш қилдилар.

Танловнинг биринчи кунда ушбу йўналишлар бўйича Тошкент шаҳар саралаш босқичи ўтказилди. Иштирокчиларнинг ижросини баҳолашда мусика, либослар ва хореография уйғунлигига катта эътибор қаратилди.

Таъкидлаш жоизки, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан уюштирилаётган турли грант дастурлари, танловлар, мусобақалар ва фестиваллар келажаги порлоқ ёш авлодни ҳар томонлама баркамол, етук, салоҳиятли, изланувчан инсонлар қилиб етиштиришда, уларнинг иқтидорларини янада шакллантириб боришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

«Янги авлод», «Болажонлар — ширинтойлар» фестиваллари, «Болалик шарафига!» хайрия акцияси, «Кичкинтой» халқаро турнири ва бошқа лойиҳалар асосида фарзандларимизнинг умидли интилишларига ёрдам бераётган, уларнинг иқтидори, ютуқлари билан халқимизни яқинроқ таништиришда бош-қош бўлиб келаётган жамғарма эзгу мақсадлар йўлида хизмат қилмоқда.

Юқоридаги халқаро танлов ҳам санъат, спорт уйғунлигида болаларнинг ҳақиқий байрамига айланиб

кетди. Миллий ва жаҳон халқлари рақслари, эркин ва замонавий усулдаги рақслар, спорт акробатикаси каби йўналишлар бўйича қизиқарли, қувноқ дастурлар намойиши бўлиб ўтди. Иштирокчиларнинг чиқишлари нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди.

Танловлар

МИЛЛИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ РАҚСЛАР ГУЛДАСТАСИ

Тошкент экология боғида барпо этилган майдончаларда роллер, скайтер ва велосипедчилар слалом ва фристайл бўйича ўз маҳоратларини намойиш қилдилар. 3-12 ёшгача бўлган кичкинтойларнинг турли рақслари танловнинг янада мазмундор чиқишини таъминлади. Ижроси энг яхши деб топилган жамоалар гала-концертда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Ўзбекистонлик ва чет эллик хореографлар иштирокида ўтказилган маҳорат дарслари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

— Ушбу танлов миллий ва замонавий рақсга қизиқувчи иқтидорли болаларни танлаб олиш ва уларнинг истеъодларини янада ривожлантириш имконини беради. Ижодий жамоаларнинг чиқишларини томоша қилар эканмиз, уларнинг бу танловга юқори даража

да тайёргарлик кўрганликларига яна бир бор амин бўлдик, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Гули Ҳамроева. — Мазкур нуфузли кўрик миллий ва замонавий рақс турларига бўлган қизиқишнинг қай даражада ортиб бораётганини ҳам кўрсатиб берди. Бундай танловлар фарзандларимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида вояга етказишда ҳамда уларнинг бўш вақтларини тўғри ва унумли ташкил этишда муҳим аҳамият касб этди. Танлов бизга энг иқтидорлиларни саралаб олиш ва келажақда уларнинг қобилиятларини янада шакллантиришда асосий восита бўлиб хизмат қилади.

Танлов доирасида ташкил этилган «Стрит-арт» номли кўргазма ёш фотосуратчиларнинг энг сара ва гўзал суратларини акс эттирди. Рақс санъатини тарғиб этиш ва ривожлантириш бўйича олинган суратлар, нуфузли хореографлар, балетмейстерлар иштирокидаги маҳорат сабоқлари иштирокчиларга манзур бўлди.

— Халқаро танловнинг юқори савияда ташкил қилиниши, бадий жиҳатлари ва ранг-баранглиги барчамизда жуда катта таассурот қолдирди, — дейди Россиянинг «Задумка» болалар рақс жамоаси бадий раҳбари Елена Колотовкина. — Айниқса ўзбек миллий рақс санъатининг такрорланмас жиҳатлари, миллий кийимлар галереяси эътиборимизни тортди. «Андижон полкаси», «Лазги» рақслари билан биргаликда дунё халқларининг рақсларини болажонлар маромига етказиб ижро этишларига қойил қолдим. Халқингизнинг санъатни ниҳоятда улуғлаши ва қадрлашига гувоҳ бўлдик. Мамлакатингизда яратилган шарт-шароитлар, имкониятлар ёшларнинг нури ва истиқболли келажагидан дарақдир.

Танлов сўнггида энг яхши жамоаларнинг жозибador рақслари гала-концертда намойиш этилди. Турли йўналишларда голиб бўлган иштирокчилар диплом, махсус грантлар ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар. **Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

ВАТАН ҲАҚИДА КУЙЛАМОҚ БАХТИ

«Истиқлол» санъат саройида «Марди майдон» жонли ижродаги кўшиқлар фестивали совриндорлари ва таниқли санъаткорлар иштирокида «Сени шарафлаймиз, Ўзбекистоним!» номли концерт бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган мазкур концерт «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Тетра Group» компанияси, Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси бош директори А.Ҳайдаров ва бошқалар Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида миллий санъатимизни, жумладан, эстрада санъатини рағбатлантиришга алоҳида аҳамият қаратилган таъкидлади. «Марди майдон» жонли ижродаги кўшиқлар фестивали ҳам мазмун-моҳиятига кўра ана шу эзгу мақсадга йўналтирилган.

Ўтган вақт мобайнида фестивалда қатнашган кўллаб хонандалар ижодида юксалиш кўзга ташланмоқда.

— Мазкур фестивалда «Она юртим», «Ватан» сингари янги кўшиқлар билан иштирок этялман, — дейди ЎЗА муҳбирига Нукус шаҳридаги маданият ва санъат коллежи ўқувчиси Сафарбой Шермонов. — Фестиваль устозлар маслаҳатидан баҳраманд бўлиш, санъат, сахна ва томошабин олдидидаги маъсулиятни янада теранроқ ҳис этишимизда муҳим аҳамият касб этди.

Концертда таниқли санъаткорлар ва ёш хонандалар ижросидаги жонажон Ватанимиз, истиқлол, бугунги тинч ва фаровон ҳаётимиз, беғубор туйғулар тараннум этилган кўшиқлар томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Назокат УСМОНОВА

Пойтахтимизда олий ва биринчи лига жамоалари футбол мактаблари тарбияланувчилари ўртасида мамлакат биринчилиги бўлиб ўтди.

Болалар спорти

МАЙДОНДА ЁШ ФУТБОЛЧИЛАР

1998-1999 йилларда туғилган болалар ўртасида ташкил этилган биринчиликда саккиз жамоа икки гуруҳга бўлинган ҳолда куч синашди. Ўз гуруҳларида дастлабки икки погонани эгаллаган «Машъал», «Нефтчи», «Пахтакор» ва «Бунёдкор» жамоалари совринли ўринлар учун курашни давом эттирди.

Ярим финалда «Машъал» ва «Пахтакор» ёшлари 1:1 ҳисобида дуранг ўйнади. Пенальтилар сериясида мубораклик-

лар 5:3 ҳисобида зафар кучди. Иккинчи баҳсда «Бунёдкор» футбол клуби тарбияланувчилари «Нефтчи»ни 4:2 ҳисобида доғда қолдирди.

Финалда «Машъал» футболчилари «Бунёдкор»ни 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, мусобақа голиби бўлди.

Учинчи ўрин учун ўтказилган баҳсда «Нефтчи» вакиллари «Пахтакор» устидан 1:0 ҳисобида галаба қозонди.

**Зоҳир ТОШХҲАЕВ,**  
ЎЗА шарҳловчиси

**XXI аср — ахборот асрига аллақачон айланиб улғурди. Бунинг мамлакатимизнинг ахборот оламидаги тараққиётида ҳам яққол кўриш мумкин. Жумладан, мактабларда интерфаол электрон доскалардан фойдаланиш бўйича тажриба йўлга қўйилганлиги ҳам нур устига аъло нурдир.**

Таълим

ИНТЕРФАОЛ ЭЛЕКТРОН ДОСКАЛАР

Тажрибага Тошкентдаги 28,50 ва 169-мактаблар жалб этилди. Уларнинг ҳар бирида битта синф хонаси электрон доска билан жиҳозланди. — Бизда интерфаол доскалардан фойдаланиш ишлари

изчил давом этмоқда, — дейди 169-мактаб директори Ёркинои Маматова. — Ўқувчилар нафақат ўқитувчи томонидан тайёрланган материал намойишини, балки ўз ижодий ишларининг

тақдимотини ҳам сабрсизлик билан кутишади. Бу таълимий янгиликни амалга оширишда мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази ҳамда Қори Ниёзий номидаги педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти мутахассислари қатнашмоқда. Улар доскадан фойдаланишни, дарсларни унумлироқ ва самаралироқ қилишга ёрдам берувчи мультимедиа дастурларини ишлаб чиқишди.

«Ўзкимёавтоматика» ташкилоти билан ҳамкорликда маҳаллий интерфаол доскаларни яратишга ҳам киришилди. Тез орада барча мактабларда ушбу илгор усул қўллана бошлайди.

Кўриниб турибдики, таълимни янги босқичга кўтарувчи самарали анжом — интерфаол доскаларнинг истиқболи порлоқ.

АХБОРОТ УЗАТИШ МАКЕТИ

Алоқа тарихи музейи ва асосий кўргазма залининг почта бўлими экспозициясидан ўрин олган сигналлар орқали алоқа узатишни ташкил этиш макетида шаҳар кўргонларига, кўргон атрофларига жойлаштирилган махсус ахборот узатиш техникалари ҳамда ушбу тепаликлардан узатилиши зарур бўлган маълумотлар олов, тутун ёки сигналлар орқали берилган.

Соҳибқирон Амир Темур даврида ҳам одам кўзи кўрадиган масофада кўргон атрофларига тепаликлардан олов ва тутун ёрдамида хабар узатишган.

Шаҳар маркази атрофида бўлган шаҳар кўргони дарвозалари тепасида махсус ноғоралар сақланадиган хоналар ва олов ёқиш учун мўлжалланган махсус жойлари бўлган.

**Акбар АЛИЕВ**



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Фарзанд ота-онагагина эмас, ота-она ҳам фарзандга муносиб бўлиши керак.

Бирор нарса ўз меҳнатинг билан топганга етмайди.

Ёмон кимса ҳеч кимни мақтамайди. Чунки у учун бошқани мақташ ўзини камситиш бўлиб туюлади. Бировларни ёмонлаш эса ўзининг яхшилиги, усунлигини таъминлайди гўё.

Бақир-чақир билан иш битирмоқчи бўлганлар аслида ўзларини кўрсатишга уринадилар.

Мард бировга оғирлигини ташламайди.

Меҳнатдан зўр юпанч йўқ.

Ҳамма ўз аравасини ўзи тортганида олам гулистон эди.

Сабр дарахтининг меваси ҳамиша ҳам ширин бўлавермайди.

Ўз гаминг қаддингни букса, фарзанд гами йикитади.

Албатта, орзуга айб йўқ, лекин орзуда ҳам орзу бор.

Жоҳил ўзини ўзи бадбахт қилади.

Ким нимани хоҳламаса, ўша нарса содир бўлади.

Диққат қилмаган нарсанг хотиранг-да қолмайди.

Ҳаётингдан, қилаётган ишингдан қониқиб туйсанг, бу дунёда сендан бахтли киши йўқ.

Яхши одам ёмонга ҳам ёмонлик қилолмайди.

Бировнинг раҳмини келтириш учун тўқиладиган йғи аслида нафратга сазовор.

Бирор-бир ҳаракат қилмай, нукул йиғлайдиган киши бу ҳаракати билан бошқаларни ёрдамга чақираётган бўлади.

Бу ҳам муттаҳамликнинг бир кўриниши.

Яхшиликни биладиганлар асли азалдан бармоқ билан санарли бўлган.

Давлат ва амал киши ўзини тутиб олганидан кейин келгани яхши. Ёшлик ва тажрибасизликда келса, киши уларни эплолмай қолиши мумкин.

Аслида бирор-бир қилмишимиз жазосиз қолмайди — фақат биз уни ё тушуниб етмаймиз, ё бошқалардан кўрамиз.

Йиғлаб кўнгилни бўшатиш мумкин, лекин қайғуни енгиллатиб бўлмайди.

Кўп гапириш одамнинг қувватини сўриб олади.

Хаёл ҳамиша воқелиқдан олдинлаб кетади.

Кўнгил яхши нарсани ҳам, ёмон нарсани ҳам олдиндан сезади.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Ўзидромет Хабар қилади. 13-15 даража иссиқ бўлади. Ўзидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 15 ноябрда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият ятади. Атмосферанинг ифлосланиши даражаси 1-3 фоз парасайи тахмин қилинмоқда, 1-3 даража илқ, кундузи — таъкидори паст бўлади.